

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 801-ҳадис

801 - وَعَنْ الْمُغْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ فِي مَسِيرٍ، فَقَالَ لِي: «أَمَعَكَ مَاءٌ؟» قُلْتُ: نَعَمْ، فَتَرَّلَ عَنِ رَاحِلَتِهِ، فَمَشَى حَتَّى تَوَارَى فِي سَوَادِ اللَّيْلِ، ثُمَّ جَاءَ فَأَفْرَعْتُ عَلَيْهِ مِنَ الْإِدَاوَةِ، فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَعَلِيهِ جُبَّةٌ مِنْ صُوفٍ، فَلَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يُخْرِجَ ذِرَاعَيْهِ مِنْهَا حَتَّى أَخْرَجَهُمَا مِنْ أَسْفَلِ الْجُبَّةِ، فَعَسَلَ ذِرَاعَيْهِ وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ، ثُمَّ أَهْوَيْتُ لِأَنْزِعَ حُفْيَهُ فَقَالَ: «دَعُهُمَا؛ فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ» وَمَسَحَ عَلَيْهِمَا. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5799، م 274/79].

وَفِي رِوَايَةٍ: وَعَلَيْهِ جُبَّةٌ شَامِيَّةٌ ضَيِّقَةٌ الْكَمِينَ. [م 274/77].

وَفِي رِوَايَةٍ: أَنَّ هَذِهِ الْفَضِيَّةَ كَانَتْ فِي عَزْوَةِ تَبُوكَ. [خ 4421].

801. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдим. У зот: «**Ёнингда сув борми?**» дедилар. «Ҳа», дедим. У зот юккаш туяларидан тушиб, нари кетдилар, ҳатто тун қоронғисида кўзимдан ғойиб бўлдилар. Кейин келдилар. Мен у зотга идишдан сув қуйиб турдим, юзларини ювдилар. Устиларида жундан тайёрланган жубба бор эди. Икки билакларини ундан чиқара олмадилар. Охири уларни жуббанинг пастидан чиқардилар ва билакларини ювдилар. Кейин бошларига масҳ тортдилар. Кейин махсиларини ечиш учун энгашган эдим: «**Қўявер, мен уларни таҳорат билан кийганман**», дедилар-да, иккаласига масҳ тортиб қўйдилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: «Эгниларида энги тор шомий жубба бор эди».

Яна бошқа ривоятда: «Бу воқеъа табуқ ғазотида бўлган эди», дейилади.

Шарҳ: Ўша пайтда ана шу васфдаги кийимлар бор экан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кийган эканлар.

«Идова» сув олиб юриш учун теридан тайёрланган кичик идиш.

Ушбу ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечаси ҳам сафар қилганлари.

2. Йўлда таҳоратини янгиламоқчи бўлган одам олдин сув бор-йўқлигини билиб олиши кераклиги.

Билмасдан таҳорат кетиб қолгандан сўнг уни янгитдан қила олмай қийналмаслик учун, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳамроҳларидан «Сенда сув борми?» деб сўрашлари ана шунга далолат қилади.

3. Қазои ҳожат қилмоқчи бўлган одам очиқ жойда бўлса, шерикларидан иложи борича узоқроқ ва панароқ жойни танлаши кераклиги.

4. Зарурат юзасидан биров таҳоратга сув қуйиб туриши мумкинлиги.

Кечаси, сафарда бўлгани учун Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳоратларига сув қуйиб турганлар. Оддий ҳолатларда ҳар ким ўз таҳоратига ўзи сув қуяди.

5. Ёшлар ва атбоълар ўзларидан катта ва раҳбар зотларга хизмат қилиши.

6. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энги тор жун чакмон кийганлари.

7. Таҳоратда кийимнинг этагидан чиқариб бўлса ҳам билакларни чиғаноқ билан ювиш зарурлиги.

8. Бировнинг маҳсисини иккинчи шахс тортиб қўйиши дурустлиги.

9. Маҳси таҳорат билан кийилган бўлса, оёқни ювиш шарт эмаслиги, маҳсиларга масҳ тортиб қўйса, етарли бўлиши.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI